



# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2001 йил 17 октябрь, чоршанба

№82

(11.367)

Эркин нархда сотилади

## 275.000 ТОННА ТОШКЕНТ ПАХТАСИ ТАЙЁР!

Давлатга қўшимча яна 15.000 тонна пахта етказиб берилади

### Тошкент вилояти пахтакорлари, барча меҳнаткашларига

Қадри дўстлар!

Ўз меҳнати билан элимизда шухрат қозонган сиз, пойтахт вилоятининг азамат меҳнаткашларини 275 минг тонналик юксак хирмон яратиб, давлатга пахта сотиш бўйича шартнома-режасини бажарганингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Бу йилги мураккаб табиий шароитда сизлар эришган бу катта муваффақият омилкор деҳқонлар, барча қишлоқ меҳнаткашлари, бутун вилоят аҳлининг биргаликда қилган фидокорона меҳнати натижасидир, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди.

Замонавий технологиялар, фан-техника ютуқларидан оқилона фойдаланиш борасида ҳамиша ибрат бўлиб келган Тошкент вилояти пахтакорларида тадбиркорлик фазилатлари, ерга эғалик ҳисси, ўз меҳнатидан манфаатдорлик туйғусининг кучайиб бораётгани қишлоқ ҳўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ижобий самара бераётганидан далолатдир.

Айниқса, сизларнинг давлатга қўшимча равишда яна 15 минг тонна пахта сотишга қарор қилганингиз таҳсинга лойиқ.

Ишончим комилки, сиз, ташаббускор ва изланувчан, азами қатъий пойтахт вилояти меҳнаткашлари халқ ҳўжалигининг барча соҳаларида янги-янги ютуқларни қўлга киритиб, мамлакатимиз салоҳиятини, халқимиз фаровонлигини оширишга муносиб ҳисса қўшасиз.

Мана шу эзгу мақсад йўлида барчангизга сизларнинг саломатлиги, бахт-саодат, хонадонларингизга фойза-барока тилайман.

Яна бир бор эришган улкан меҳнат ғалабангиз муборак бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ,  
Ўзбекистон халқ шоири

### ЗАФАР ҚЎШИҒИ

Пойтахтим номига аталган диёр —  
Тошкент вилоятим саодатимдир!  
Меҳнат зафарингга атадим, ашбор,  
Қабул эт, фарзандлик садоқатимдир!

Қаттиқ ерни юмшоқ қилган ҳам ўзинг,  
Тупроқни олтинга айлантирган ҳам.  
Ҳалолдир меҳнатдан толган нон-тузинг,  
Шону шухратингга қойилдир олам!

Пахтазор қўнида қайнади ҳаёт,  
Меҳнат камарини ечмади ҳеч ким.  
Роҳатга айланур албатта заҳмат,  
Виждон тарозиси чиқаргай ажрим.

Эй бобо деҳқоним, заршунос халқим,  
Қўлимда гулдаста, таъзимда бошим.  
Ишқ билан яшаб қўлғим навоси,  
Бағрингда балқиган саҳий қўёшим.

Асл муродимиз — тўкин дастурхон,  
Тинчлик, хотиржамлик — асл муддао.  
Соҳиб давронсан, сен — ҳазрат инсон,  
Азму қарорингдан ям-яшил дунё!

Дўстлик диёрисан, қардошлик меҳри  
Танангда айланар тоза қон мисол.  
Меҳр-муҳаббатда инсоннинг қадри,  
Иноқлик бўлмаса, қайда бахт-иқбол?!

Ҳар тола пахтангни кўзларингга сурт,  
Бу очиқ дийдамнинг гавҳари, деб бил.  
Олпоқ олтиним деб эъзозласа юрт,  
Болангдай азиз кўр, жигарим, деб бил!

Эзгулик элчиси бўлиб дунёда,  
Тинчлик уруғини қандайвер ерга.  
Дерларки — қўёшини қалби — зиёда,  
Бу дунё-у дунё муҳтожсиз нурга.

Йўлбошинг таҳсини — элнинг дуоси,  
Қўларда кўк қадар баланд қаддингиз,  
Сенга бағишланур кўнглим навоси,  
Қўйлашим диёрим, бугун мадҳингни.



## УЮШҚОҚЛИК ВА САФАРБАРЛИК САМАРАСИ

Тошкент вилоятининг мард, танти деҳқонлари республикада иккинчи бўлиб шартномавий режани ортири билан адо этдилар. Давлатга 275 минг тоннадан зиёд Тошкент пахтаси етказиб берилди. Ҳосилдорлик гектар бошига 27,4 центнерни ташкил этди. Унинг асосий қисми юқори навларга қабул қилинди.

Биринчи довондан ўтган вилоят пахтакорлари давлатга яна қўшимча 15 минг тонна пахта етказиб беришга қарор қилдилар.

Бу - Президентимиз табригида таъкидланганидек: «Замонавий технологиялар, фан-техника ютуқларидан оқилона фойдаланиш борасида ҳамиша ибрат бўлиб келган Тошкент вилояти пахтакорларида тадбиркорлик фазилатлари, ерга эғалик ҳисси, ўз меҳнатидан манфаатдорлик туйғусининг кучайиб бораётгани қишлоқ ҳўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ижобий самара бераётганидан далолатдир».

Ҳақиқатан ҳам сўнгги йилларда кўп тармоқли қишлоқ ҳўжалиги соҳасида юз бераётган ўзгаришлар ва амалга оширилаётган ислохотлар ана шу муваффақиятларнинг биринчи заминини таъминламоқда. Бу жараён беистисно аграр тармоқнинг ҳар бир соҳасида тобора чуқурлашиб бормоқда. Эътибор беринг, 2001 йилда пилла тайёрлаш режаси 105 фоизга бажарилди. 17 иш кунда 263 минг тонна дон топириб режани ўринлатган ғаллакорларимиз давлатга қўшимча 19 минг тоннадан зиёд ғалла етказиб бердилар. Тошкент вилояти қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш салмоғи бўйича республикада биринчи ўринга чиқиб олди.

Мана, энди пахтакорларимиз ҳам ўз сўзларининг устидан чиқиб, ғалаба маррасини забт этиб турибдилар. Бугун гап пахтакорларимиз эришган улкан муваффақият ҳақида борар экан, унинг ўзига хос омилларига тўхталиб ўтгинг келлади.

Назаримизда бу омилларнинг биринчиси — ви-

лоятимиздаги оддий пахтакордан тортиб, қўйи ва ўрта бўгин раҳбарлари, мутахассислар, ҳокимликлардаги мутасадди ҳодимларнинг йил давомидаги тинимсиз саъй-ҳаракатлари, ҳаловатдан кечиб қилган фидокорона меҳнатларидир.

Шу маънода кейинги йилларда вилоят ҳокимлиги нафақат пахтачиллик, балки бутун қишлоқ ҳўжалик мажмуининг бир маромдаги ривожини, ислохотларнинг жадаллашуви ва янада чуқурлашувини ўйлаб, кадрлар сиёсатида муносабатни тубдан ўзгартирганлигини айтиб ўтиш керак. Аввало, қўйи ва ўрта бўгин раҳбарлари ташкилотчилик салоҳиятига эга бўлган, ислохотларнинг мазмун-моҳиятини, янгиликларни тез ва тўғри илғаб, зудлик билан жорий эта оладиган ишчан кадрлар билан мустаҳкамланди. Бу энг оқилона тактика бўлиб, қишлоқ ҳўжалигида юз бераётган ўзгаришлар, янгиликларнинг қай даражада амал қилишини, ишлаб чиқаришнинг тараққиёти ва энг муҳими — аҳолининг турмуш даражасида ўз аксини кўрсата бошлади. Бундан қўнғиб, инсон ислохот учун эмас, ислохот одамларнинг оғирини енгил қилишга, ҳаётини яхшилашга хизмат қила бошлади, деб таърифлаш мумкин.

Ислохот берган мева-лардан яна бири шу бўлдики, собиқ жамоа ҳўжаликлари-нинг ширкатларга айлантирилиши оддий меҳнаткашлар учун кенг йўللار очиб берди. Бу борада амалга оширилган энг катта иш деҳқонларнинг ўз меҳнати-нинг пировард натижасидан тўла баҳраманд бўлиш-ларига ишонтира олиш ва буни амалда таъминлаш

тириб берилган ерларда қанча кам сарф-ҳаражат билан кўп ва сифатли маҳсулот етиштирсалар, шунча кўп даромад олишлари-ни яхши биладилар. Маса-лан, 2001 йилда пахтачи-

ликда 25 мингга яқин оила-вий пудрат жамоалари ба-ракали меҳнат қилдилар. Маълумки, Тошкент ви-лоятининг иклими ва туп-роқ шароити бир хил эмас. Шимолий ва жанубий мин-тақалар мавжуд. Шу боис вилоятда деҳқончилик қилишнинг, агротехника тадбирларини ўтказишнинг мураккаб жиҳатлари мав-жуд. Шунинг учун ҳам ҳар бир минтақа учун ўзига мос нави тўғри танлаш, қачон экиш, қандай агротехника-ни қўллашни яхши билиш керак. Вилоят ҳокимлиги тегишли мутасадди идора-лар билан бу масалада қат-тиқ ишлади. Ҳар бир ҳудуд учун мос ғўза навларини танлашга ҳаракат қилинди. Олимлар билан ҳамкорлик кучайди. Ишлаб чиқариш-га фан ютуқлари, илғор тажрибаларни жорий этиш устида чуқур ишланди. Бу жараён чигит экишдан бошлаб, йиғим-теримни ташкил этишгача эътибор-дан четда бўлмади. 2001 йилда ҳар қачонгидан эр-таки ва мўл ҳосил етишти-рилганлигининг асосий са-бабларидан яна бири шу бўлди.

Бугун вилоят пахтакорла-рининг ютуқлари ҳақида гапирар эканмиз, уни қилинган саъй-ҳаракатлар-нинг меvasи дедик. Бу ҳаракат ортда эса инти-лиш бор, изланиш бор, янгиликларни жорий этиш, ташаббус билан меҳнат қилиш ётибди. Бунга кўплаб мисол келтириш мумкин. Юқоричирчиқ ту-мани тўрт йилдан буён ре-жани бажара олмай келаёт-ган эди. Ана шу изланиш, ақл билан ҳаракат қилиш бу йил туман муваффақияти-нинг қалити бўлди. Юқори-чирчиқ вилоятда иккинчи бўлиб йиллик режасини адо этди. Туман ҳокими Алишер Гафоров билан суҳбатлашганимизда у бун-и ҳақида сўз билан: «Ҳўжа-ликларда ишни янгича таш-кил этиш, пахтачиликдаги илгариги андозаларга ўзгартиришлар киритиш ва тажрибаларни жорий этиш

ликда 25 мингга яқин оила-вий пудрат жамоалари ба-ракали меҳнат қилдилар. Маълумки, Тошкент ви-лоятининг иклими ва туп-роқ шароити бир хил эмас. Шимолий ва жанубий мин-тақалар мавжуд. Шу боис вилоятда деҳқончилик қилишнинг, агротехника тадбирларини ўтказишнинг мураккаб жиҳатлари мав-жуд. Шунинг учун ҳам ҳар бир минтақа учун ўзига мос нави тўғри танлаш, қачон экиш, қандай агротехника-ни қўллашни яхши билиш керак. Вилоят ҳокимлиги тегишли мутасадди идора-лар билан бу масалада қат-тиқ ишлади. Ҳар бир ҳудуд учун мос ғўза навларини танлашга ҳаракат қилинди. Олимлар билан ҳамкорлик кучайди. Ишлаб чиқариш-га фан ютуқлари, илғор тажрибаларни жорий этиш устида чуқур ишланди. Бу жараён чигит экишдан бошлаб, йиғим-теримни ташкил этишгача эътибор-дан четда бўлмади. 2001 йилда ҳар қачонгидан эр-таки ва мўл ҳосил етишти-рилганлигининг асосий са-бабларидан яна бири шу бўлди.

Бугун вилоят пахтакорла-рининг ютуқлари ҳақида гапирар эканмиз, уни қилинган саъй-ҳаракатлар-нинг меvasи дедик. Бу ҳаракат ортда эса инти-лиш бор, изланиш бор, янгиликларни жорий этиш, ташаббус билан меҳнат қилиш ётибди. Бунга кўплаб мисол келтириш мумкин. Юқоричирчиқ ту-мани тўрт йилдан буён ре-жани бажара олмай келаёт-ган эди. Ана шу изланиш, ақл билан ҳаракат қилиш бу йил туман муваффақияти-нинг қалити бўлди. Юқори-чирчиқ вилоятда иккинчи бўлиб йиллик режасини адо этди. Туман ҳокими Алишер Гафоров билан суҳбатлашганимизда у бун-и ҳақида сўз билан: «Ҳўжа-ликларда ишни янгича таш-кил этиш, пахтачиликдаги илгариги андозаларга ўзгартиришлар киритиш ва тажрибаларни жорий этиш

(Давоми 2-бетда).

### Тўққиз ойда 660 МИЛЛИОН СЎМ

Чирчиқ шаҳрида 1106та кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланувчи, юридик шахс мақомига эга бўлган кор-хоналар фаолият кўрсатмоқда.

Шаҳар ҳокимлиги ва тадбир-корликни қўллаб-қувватлаш па-латаси шаҳардаги мавҳуд ташки-иктисодий фаолият миллий бан-кининг Чирчиқ филиали, саноат

қурилиш банки ҳамда Ўзбекис-тон турар-жой жамғарма банк-лари ҳамкорлигида кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун қисқа ва ўрта

муддатларга кредитлаштириш ишларига алоҳида эътибор бериб келмоқдалар.

Хусусан, ўтган тўққиз ой мобай-нида биргина миллий банк орқали ҳўжалик юритувчи кичик тадбир-корлик субъектларига 660 милли-он сўм миқдорда қисқа ва ўрта

муддатли кредитлар ажратди.

Шокир ТЎҒОНОВ.

### «НАФОСАТ» ТАНЛОВИ

Оҳангарон шаҳрида ёш қаламқашларнинг кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда шаҳарнинг иқтидорли ўсмир ёшлари иштирок этиб, ўзлари чизган турли мавзудаги расмлар кўргазмасини намойиш этди-лар.

Унда Х. Шерматова танлов ҳакамлари томони-дан ғолиб деб топилди. Ғолиб ва иштирокчиларга эсдалик совғалари топширилди.

Ўз мухбиримиз.

### XXI АСР БАЛОСИГА ҚАРШИ

Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги, шунингдек ички ишлар бошқармаси шаҳар прокуратураси билан ҳамкорликда 44та маҳаллада «XXI аср балоси» мавзусида давра суҳбатларини ўтказдилар.

Ушбу тадбирларда экстремизм, терроризм, АҚШда бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалар, айни пайтда Аф-ғонистондаги вазиятлар, шунингдек юртимизда бунга қарши амалга

оширилаётган тадбирлар ҳақида сўз борди.

Маҳаллалар аҳолиси кўтарилган масалалар юзасидан ўз фикр-му-лоҳазаларини билдирдилар.

# ҲАМИША ЮКСАЛДИН ДОВРУҒИНГ, ШОНИНГ,

**Замонавий технологиялар, фан-техника ютуқларидан оқилона фойдаланиш борасида ҳамиша ибрат бўлиб келган Тошкент вилояти пахтакорларида тадбиркорлик фазилатлари, ерга эғалик ҳисси, ўз меҳнатидан манфаатдорлик туйғусининг кучайиб бораётгани қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ижобий самара бераётганидан далолатдир.**

**Ислом КАРИМОВ.**

## БОШҚАРУВ ВА ПУДРАТЧИ — ИШОНЧЛИ ҲАМКОРЛАР

### ТЕР ДЕГАН ТОМЧИДАН ТЎКИЛГАН ДУРИМ

Опоқ деган сўзга чиройсан, пахта,  
Момо ер кўксига бир ойсан пахта.  
Сулалар сочларин бошиндан сочиб,  
Терганда жилмайган, Хумойсан, пахта.

Ниҳолсан позанин юракда унган,  
Элу юрт ризқисан тилакда унган.  
Қиёс кўп пахтажон, асли ўзбекнинг,  
Оромсан ҳам озор қафтига кўнсан.

Машаққат меваси бунчалар оқсан,  
Саҳий куз кўксига юксалган тоқсан.

Ўзбеки дунёга олиблар чиққан,  
Сен Ипак йўлида ёнган чироқсан.

Тер деган томчидан тўкилган дури,  
Эй оппоқ маслагим, кўздаги нури.  
Дехқон табассуми сочилган далам,  
Нондаини насибам, сўнмас турури.

Сени деб эгилар эгитларда эл,  
Сени деб керилар қувончлари сел.

Онам бошидаги оппоқ рўмоли,  
Кўзимга суртайин фарштамсан, кел!  
Маҳмуд ТОИРОВ.

## УЮШҚОҚЛИК ВА САФАРБАРЛИК САМАРАСИ

Йигим-терим палласида ўз самарасини бермоқда. Бу йилги мавсумда ҳам шундай бўлди. Ҳеч бир туман ёки хўжалик аввал ўзим бўлай, демади. Йигим-теримга сафарбар этилган барча ишчи кўчлари ва техника воситалари бир бошдан пишиб этилган пахтазорларга туширилди. Вилоятда оммавий сафарбарлик эълон қилинди. Йигим-теримда виллоятнинг 230 мингдан ортиқ аҳолиси иштирок этди. Шаҳарларимиз ва сабзавоткор туманларимиздан 70 мингдан ортиқ хашарчилар пахтакорларга ёрдамга келдилар. Ҳали виллоят тарихида бунчалик оммавийликни ҳеч кўрмаган эдик.

Этироф этиш керакки, йигим-теримнинг бир маромада ва жадал суръатларда давом этишида виллоят ҳокимлигининг «Вилоятда 2001 йилда етиштирилган пахта хом ашёсини қисқа фурсатда йигиб-териб олиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори катта роль ўйнади. Таъбир жоиз бўлса, ушбу қарорда ва белгиланган тадбирларда

йигим-терим стратегияси ўз ифодасини топди. Унда пахта йигим-терими билан боғлиқ барча масалалар аниқ ва пухта белгиланди. Тегишли идоралар, ҳокимликлар, бошқармалар, ташкилотлар, хўжаликлар зиммасига аниқ вазифалар юклатилди ва уларнинг ихроси таъминланди.

Хулоса қилиб айтганда, виллоят бўйича уюшқоқлик ва оммавий сафарбарлик билан бошланган иш ўзининг самарасини берди. Давлатга пахта сотиш режаси ортиги билан бажарилиб, биринчи довондан ошилди. Бироқ, далаларда ҳали ҳосил бор. Пахтакорларимиз йигим-терим ишларини сусайтирмай, даладаги ҳосилнинг сўнгги граммларигача тез кунларда саранжомлаб олиш, давлатга эса режага қўшимча яна камида 15 минг тонна хом ашё етказиб бериш учун курашни давом эттирмоқдалар. Бу ният ҳам тез кунларда амалга ошадди. Чунки Тошкент виллоятида мард, танти, лафзи ҳалол деҳқонлар меҳнат қилишади.

(Давоми. Боши 1-бетда).



## МУСТАҚИЛ ФЕРМЕРЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ

Туманимиз пахтакорлари шартнома режаларини ҳар йили виллоятда биринчилардан бўлиб бажаришяпти. Бу йил эса 30 сентябрь куни маррага етиб келинди. Туманда режани сентябрь ойидаёқ бажариб қўйишнинг ўзи бўлмайди, албатта. Айтиш мумкинки, чинозликлар пахтачиликда ўзига хос технологияни яратиб, уни барқарор тармоққа айлантиришди. Таъбир жоиз бўлса, ушбу қарорда ва белгиланган тадбирларда

Шу ўринда фермер

хўжаликларининг пахтачиликни ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшаётганлигини алоҳида таъкидлашни истардим. Бошқача қилиб айтганда, туманимизда фермерлар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда асосий кучга

айланиб бормоқдалар. Масалан, бу йил жаъми 1600 гектар майдонга чигит қадаган фермер хўжаликлари 28 центнердан ошириб хирмон кўтариб, 4150 тонна пахта етиштириб бердилар. Бу туман бўйича тайёрланган жаъми пахтанинг қарийб тўртдан бир қисмига тенгдир.

Чинозда фермер хўжаликлари илдан йилга ривожланиб бораётганилиги бежиз эмас. Туман ҳокимлиги уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш-

га алоҳида эътибор қаратади. Биз фермерларни шартли равишда уч тоифага бўламиз ва шунга қараб улар билан ҳамкорлик қиламиз. Шундай фермер хўжаликларимиз бор-

дан сўнг бунга тўла ишонч ҳосил қилдик. Бевоқосият Юртбошимизнинг ташаббус ва даъватлари билан жорий этилган бу янгича бошқарув усули қишлоқдаги ислохотларни жадаллаштириш, чуқурлаштириш ва тақомилга етказишнинг асосий йўли эканлигини амалда намоён бўлди. Ширкат деҳқонларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш ва уларнинг бор салоҳиятларини тўла ишга солишнинг янги-янги йўллари очиб берди. Биз, раҳбарлар ана шу янги имкониятларни кўра билсак, ҳаракатга келтира олсак

си бор. Уларнинг ҳам хизматлари сингган. Демак, манфаат кўришлари керак. Шунинг билан олиб, 460 тонна бугдой уларга иш ҳақи сифатида арзон нархда берилди. Жумладан, механизаторларга 21 тонна бугдой текинга тақсимлаб берилди. Қолган галланнинг ҳаммаси пахта йигим-терим мавсуми учун асраб қўйилди. Чунки, нақд бугдой теримчиларни рағбатлантиришнинг самарали воситаси.

Пахта терими бошланган кунданок шундай шарт қўйди: кимки мавсумда 2 тоннадан ошириб пахта те-

риб берса, 150 килограмм бугдой текинга берилади. Натижада хўжалигимиз аъзоларидан 140 нафари, ушмаган аҳолидан 11 нафари икки тоннадан ошириб пахта териб бериб, шартлашилган бугдойни олди.

Хуллас, ҳар томонлама моддий манфаат кўраётган пахтакорларимиз бу йил астойдил ҳаракат қилиб, ҳосилни эрта етиштирилди.

23 августлардан кўл теримиға киришган бўлсак, 23 сентябрь куни режани бажардик.

**Абдурахим АҲМЕДОВ, молия-ҳисоб маркази бошлиғи:**

Раисимиз таъкидлаганидек, ширкат деҳқонлар учун аниқ муддао бўлди. Бироқ унинг ўзига хос қатъий шартлари бор. Оила пудрати, чек дафтарчаси, молия-ҳисоб

буни тушуниб етишди. Масалан, Олим Нейматиллаев оиласини олиб кўрайлик. Катта оила — 17 киши ишлайди. Шунинг учун ҳам бу йил 30 гектар ерда деҳқончилик қилишди. Аввал 13 гектарда бугдой етиштиришди. Шартномадаги 41 центнер ўрнига 54,5 центнердан хирмон кўтарилди. Узларига 7,7 тонна бугдой қолди.

Бу йил давлатга сотилган 2734 тонна пахтанинг 91 фоизига биринчи нав нархда ҳақ тўланади. Умуман, бир тонна пахта-мининг қиймати ўртача 89,6 минг сўмга ўртача келяпти. Бу 245 миллион сўмни ташкил этади. Шунда соф даромад камида 12 миллион сўм бўлиши кутляпти.

150 гектар майдондаги шолу ҳам 50 центнердан

ҳосил тўкапти. Мўлжалимизга қараганда бундан ҳам 12 миллион сўмдан кўпроқ соф даромад оламиз. Энди галладан тушганини ҳам қўшиб ҳисобласак, йиллик соф даромадимиз 42 миллион сўмдан ошади. Шундан камида 20 миллион сўми соф фойда бўлиб қолади. Йил якунида унинг 60 фоизи, яъни 12 миллион сўмининг пай улуши борларга дивиденд сифатида тарқатамиз.

**Абдусамой Йўлдошев, «Тошкент ҳақиқатининг» махсус мухбири.**

Оқунбобоев номи ширкат хўжалиги нафақат Уртачирчиқ тумани, балки, виллоят хирмонига ҳам қарийб 3 минг 300 тоннадан ортиқ пахтаси билан салмоқли ҳисса қўшди.

**СУРАТДА:** (чапдан) механик ҳайдовчилар Собир Ортиқов, Абдуҳайит Исроилов, бош ҳосилот Бектурган Абулхаиров пудратчи Ашмат Каримов даласидаги ҳосил сифатини кўздан кечиришмоқда.

**Александр МАЛЬЦЕВ олган сурат.**

### Шу сонга

Газетанинг ушбу сони саҳифаланаётган пайтда тахририятимизга Бўка туманидан хушхабар келди. Виллоятимизда энг кўп пахта етиштириладиган минтақалардан бири бўлган ушбу туман меҳнаткашлари давлатга 39.840 тонна ўрнига 40.200 тоннадан зиёд хом ашё топшириб, шартнома режасини ортиги билан адо этдилар.

## ҲАШАРЧИЛАРГА МОДДИЙ-МАЪНАВИЙ ЁРДАМ

Виллоят пахтакорлари уйган улкан «оқ олтин» хирмонига қасаба уюшмаларининг ҳам муносиб хиссалари бор. Уюшма ходимларидан тузилган ҳашарчилар гуруҳи Қўйичирик тумани пахтакорларига ҳосилни йигиб-териб олишда яқиндан ёрдам бермоқда.

Қасаба уюшмалари кенгаши ҳамда таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси виллоят қўмитаси яна бир ташаббус билан чиқди. Виллоят қасаба уюшмалари кенгаши раиси Мухайе Тўлаганова раҳбарлигидаги гуруҳ Бўка, Қўйичирик, Чиноз, Янгийўл, Покент ва бошқа туманларда бўлишиб, ҳашарчилар учун иссиқ кийим-бош, зарур воситаларни совға қилдилар.

Биз ҳашарчилар учун 2 миллион 622 минг сўмлик кийим-кечак, пойабзал, спорт кийимлари тарқатдик, — дейди М. Тўлаганова. — Совғалар уларга бевосита пахтазорда, тушлик танафус пайларидан топширилди. Улар билан бугунги ижтимоий-сиёсий аҳвол тўғрисида суҳбатлар ўтказилди.

Қасаба уюшмалари кенгашининг бу саҳоватидан Ангрен, Янгийўл, Бекобод, Чирчиқ, Олмалик, Охангарон шаҳарларидан келиб пахтакорларга қамарбаста бўлаётган ҳашарчилар, айниқса, миннатдор бўдилар.

**Нурали ЖАЛИЛОВ.**

**Қамол УМРЗОҚОВ, туман фермер хўжаликлари уюшмаси раиси.**

|                                                                                                                             |               |      |        |
|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------|------|--------|
| Вилоятда пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 2001 йил 16 октябрга бўлган                                                    | Чиноз         | 0,23 | 104,88 |
| <b>МАЪЛУМОТ</b><br>(Биринчи устун — туманлар, иккинчи устун — бир кунда, учинчи устун — мавсум бошидан буён(фоиз ҳисобида)) | Покент        | 0,27 | 104,46 |
|                                                                                                                             | Юқоричирик    | 0,26 | 104,31 |
|                                                                                                                             | Оққўрғон      | 0,75 | 102,26 |
|                                                                                                                             | Ўртачирчиқ    | 0,15 | 101,42 |
|                                                                                                                             | Бўка          | 0,93 | 100,93 |
|                                                                                                                             | Янгийўл       | 0,41 | 97,84  |
|                                                                                                                             | Бекобод       | 1,02 | 94,92  |
|                                                                                                                             | Қўйичирик     | 0,85 | 94,56  |
|                                                                                                                             | Вилоят бўйича | 0,61 | 100,03 |



# ТОШКЕНТИМ, МУБОРАК УЛКАН ХИРМОНИНГ!

Аслини олганда ўз ишининг миришкори бўлган деҳқонга ўрта-тишининг ҳолати йўқ. У ҳеч вақт нолимайди, қийинчиликни, муаммоларни ўзи енгитишга ҳаракат қилади. Лекин иш тизим пайтларда унга мадад зарур бўлади. Ана шундай пайтда халқимизнинг «Ҳашар — элга ярашар» деган нақли чинакам маъно касб этади.

## ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ҲИССА

Юқориқирчик туманида бўлиб, пахта йиғим-теримининг бориши билан қизикқан-нимизда бунга яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик.

Тўғрироғи, туманда ҳашарчилардан унумли фойдаланиш тажрибаси бизни қизиқтириб қолди. Билсак, бу тажриба-нинг моҳияти, рағбатлантириш, манфаат, руҳлантиришдан иборат экан. Бунга ми-соллар кўп.

Муҳими шундаки, дастлабки кунларданок ҳашарчи меҳнати юксак қадрланди. Ҳар беш кунлик якунига қўра улар терган пахтага бериладиган ҳақ тўла-тўқис тўлаб бори-лди. Бугина эмас, беш кунлик-лар голиблари ҳолис аниқла-ниб, уларни рағбатлантириш-га алоҳида эътибор берилди. Хусусан, биринчи беш кунлик якунида Паркент туманидаги касб-хунар коллежи жамоаси голиб деб топилди. Тантанба-ли йиғилишда уларнинг мақ-тов ирғига қўйилди ва жа-моа телевизор билан муко-фотланди. Бу мукофотни ту-ман ҳокимининг ўзи талаба-ларга топширди. Шу кун-и те-римда юқори кўрсаткичларга эришадиган бошқа ҳашарчи жамоалар ҳам қимматбаҳо со-вғалар, пул мукофотлари би-лан тақдирландилар.

Кейинги беш кунликлар якуни ҳам ана шу тарзда — илғорларни меҳнатига яраша рағбатлантириш билан уйғун-лашиб борди. Бу, албатта, ҳар бир ҳўжаликда пахта тераёт-ган ҳашарчиларнинг деҳқонлар билан ёнма-ён туриб, унумли ишлашлари учун муҳим омил бўлди. Паркент тумани ҳоким-лиги ҳам ўз ҳудудидан келиб ишлайётган ҳашарчиларнинг ҳол-аҳолидан доим хабар олиб турди ва голиб жамоа-ларни, энг илғор теримчилар-ни рағбатлантиришни йўлга қўйди. Айрим жамоаларга қўй тортиқ қилинди, қийим-кечак улашилди, пул мукофотлари эришилган натижага қараб бе-рилди. Ҳокимлик терим жараё-нида ҳашарчиларнинг истак ва талабларини диққат билан ўрганиб борди, долзарб маса-лаларни ўз жойида ҳал этди. Шу боис паркентликлар уму-мий хирмонга салмоқли ҳисса қўшдилар. Дадил айтиш мум-кинки, бу ҳисса туманининг режани вилоятда иккинчи бўлиб бажаришда ҳал қилу-вчи аҳамиятга эга бўлди. Юқориқирчикликлар шу кунга-ча 18 минг 250 тоннадан зиёд пахта топширишган бўлса, пар-кентликлар бу хом ашёнинг 6 минг тоннасига якуини териб бердилар.

— Ҳашарга келган жамоа-лардан қайси бирини ўрнат қилиб кўрсатиш мумкин? — сўрадик Паркент тумани ҳоки-ми Мирзамашраб Кучиевдан. — Сирасини айтганда, ҳамма жамоа ҳам яхши ишла-ди, ишончимизни оқлади, ҳамкасбларининг миннатдор-чилигига сазовор бўлди, — дейди ҳоким. — Айниқса, «Паркент», «Чанги», «Бойко-зон», «Гулбоғ» сингари шир-кат ҳўжаликларидан келган деҳқон ҳашарчилар унумли меҳнат қилдилар.

Юқориқирчик тумани ҳокимлигида ҳам паркентлик ҳашарчилар ҳимматидан мам-нун бўлиб гапирди.

— Ҳатто, режа бажарилган-нидан сўнг ҳам уларнинг бир қисми ўз хоҳиш-истаклари билан туманимизда қолишди, теримни давом эттиришди. — деди туман ҳокими Алишер Гаффаров. — Чунки, вилоят-миз режаси бажарилмагунча, ҳеч кимнинг кўнгли тинчмайди-да. Ахир далада ҳосил мўл, не-не машаққатлар билан етиштирилган пахтани иложи борица тезроқ териб олиш керак. Бунда бизнинг ҳам хизматимиз бўлиши шарт, деб айтишмоқда улар.

Кўнгил кўнгилдан сув ича-ди. Яхши дўст, яхши ҳамкасб ҳамма вақт бир-бирини қўллаб-қувватлайди, долзарб давларда ҳамкор, мададкор бўлади. Бу фикрнинг амалда-ги исботини биз Юқориқир-чикда бўлганимизда ўз кўзи-миз билан кўрдик.

Носир РИХСИЕВ.

● Бу йил қўл теримида 230 минг киши фаол иштирок этди. Шу жумладан, вилоятнинг ша-ҳарлари ва саб-завоткор туман-ларидан 70 минг ҳашарчи қатнаш-ди.

● Тайёрланган жами пахтанинг 244 минг тонна-дан кўпроғи ҳўжалик аъзолар-и ва ҳашарчи-ларнинг кучи билан йиғиб-териб олинди.



Пахтакорларимиз эришган улкан ғалабада бутун вилоят меҳнат аҳлининг камтарона хизмати бор, албатта. Эл қатори биз, мадани-ят ходимлари ҳам бун-га озгина бўлсада ҳисса қўшганимиздан мам-нумимиз.

Шуни айтиш жоизки, меҳнаткашларга маданий-маиший, савдо, тиббий хизмат кўрсатувчи вилоят тарғибот ва ташвиқот гуру-ҳини тузиш ҳақидаги та-шаббусимиз вилоят ҳоким-лиги томонидан қўллаб-қув-ватланганлиги айни мудида бўлди.

Гуруҳ таркибига кирган «Ўзбекракс» миллий ракс бўлашмасининг «Лазги», «Етти гўзал», «Зарафшон» ашула ва ракс, фольклор дасталари ўзларининг янги концерт дастурлари билан бевоқиф даладаларга чиқиб, пахтакор ва ҳашарчиларга маданий хизмат кўрсатди-лар.

Айниқса, «Баҳор», «Тано-вор» гуруҳлари гўзал ракс-қосаларининг чиқишлари, Ўзбекистон халқ артисти Гулсара Ёкубова, республи-када хизмат кўрсатган ар-тистлар Эркин Рўзиматов, Ҳурият Исроилова, ҳушо-вор хонандалар Зиёдулла Маҳмамов, Абдулла Раҳим-жонов, Замира Намозова-лар ижро этган қўшиқлари даладан ҳориб келган те-римчилар, ҳашарчи ёшлар-ни руҳлантириб юборди.

## МАДАДКОР БЎЛДИК

Уларнинг ўзлари ҳам раксаларимизга қўшилиб, раксга тушдилар. Ҳар бир учрашув, ҳар бир мулоқот йиғим-теримда иштирок этаётганлар қалбига завку шавқ бағишладилар. Улар пахта даладаларига янги куч, янгица ғайрат билан отлан-дилар. Терим суръатига суръат қўшилди.

Бекобод туманидаги «Дўстлик» ширкат ҳўжали-гида бўлиб ўтган ана шун-дай учрашувлардан бири-да Бекобод педагогика колле-жи талабалари бундай учрашувларни тез-тез ўтқа-зиб туришимизни қайта-қайта илтимос қилдилар?

Тарғибот ва ташвиқот гуру-ҳи аъзолари Бўка туман-нинг Гаффор Азаматов, Юқориқирчик туманидаги «Гулистон», Ўртақирчик ту-манидаги «Роватак» ҳўжа-ликларида ҳам ана шундай кўнгилочар учрашувларда қўлларидан келганча, бе-миннат хизмат кўрсатди-лар. Шунингдек, Пскент ва Қўйичирчиқ туманларида давлатга пахта сотиш ре-жаларини урдалаган «Қир-қизобод» ва «Тошовул» ширкат ҳўжаликларидан

Ўтказилган учрашувлар, концерт дастурлари ҳам терим иштирокчиларига олам-олам қувонч бахш этди.

Пахтакорларга маданий-маиший ва тиббий хизмат кўрсатишга ҳомийлик қил-ган ташкилотларнинг ҳам ҳиссалари катта. Вилоят солиқчи саклаш бошқар-маси, «Соғлом авлод учун», «Камолот» ёшлар ижтимо-ий ҳаракати, Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлиmlари, «Дори-дармон» вилоят акциядорлик жам-ияти илғор теримчи ва ҳашарчиларни эсдалик со-вғалари, турли-туман муко-фотлар билан рағбатланти-ришди.

Албатта, вилоят маданият ишлари бошқармаси-нинг жойлардаги бўлиmlар-и ходимлари бундай та-шаббусларни давом эттир-ган ҳолда халқимизга бе-миннат хизмат қилишни ўзларининг асосий вази-фалари деб ҳисоблайди-лар.

Зоҳиджон СОЛИХОВ, вилоят маданият ишлари бошқармаси бошлиғи.

Чаноққа боқсам мен жаҳон кўринди, Қишу ёз, манглай тер аён кўринди.

Элим деб яшаган йил бўйи бедор, Эгатга эгилган инсон кўринди.

Илк баҳор далага чигит қадаган, Орзуси пок бободоҳқон кўринди.

Фарзандин бошида парвона она — Сингари мунис, меҳрибон кўринди.

Бўй кўрсатса митти гўза ниҳоли, Кувончи тоғ қадар шоён кўринди.

Гуллаган чоғида севинчдан ёниб, Хидидан сармасту шодон кўринди.

Шу гўлда юртимнинг иқболи дея, Кўзи — қуёш, қалби осмон кўринди.

Шилдираб оққан сув «Наво», «Баёт»и, Тебранган гийҳлар жонон кўринди.

Ҳар қўсак туганмас хазина бўлиб, «Оқ олтин»га тўла майдон кўринди.

Чиноздан таралди шўх-шаён яллалар, Режа юз, юз ёруғ, имкон кўринди.

## ЧАНОҚҚА БОҚСАМ

Шўғаллар чақнади Янгибозорда, Билсак ҳар пахтакор полвон кўринди.

Пскентнинг тортигин қабул этган чоғ, Оққўрғон томондан қарвон кўринди.

Тўйтепа алпона одим ташлади, Майдонда, боқ, Оҳангарон кўринди.

Паркентнинг боғбони Бўкага дилдош, Барчанинг бағрида ошён кўринди.

Биз ҳам пахтакормиз дея отланди, Олмалиқ, Ангрэн ҳар он кўринди.

Бир чаноқ термаган ўзбек аталмас, Кимки ҳамкор эмас, армон кўринди.

Муборак Тошкентим ушбу хирмонинг, Истиқбол йўларинг равон кўринди.



Кел ўпай, қўлингиз, танти деҳқоним, Изингда барака, қут, шон кўринди.

Қўлларинг қадоғи кафтингда юлдуз, Ризқ-рўзим туганмас уммон кўринди.

Мадҳингиз куйласам жўшади илҳом, Сафарбар ҳар сапир дoston кўринди.

Асримнинг ҳар йили келтирсин зафар, Пахта — нон, пахта — жон, иймон кўринди.

Темур УБАЙДУЛЛО.



Бугун вилоятимизда катта байрам, хурсандчи-лик. Барча меҳнаткашлар, ҳалол, ваъдага вафо-дор пахтакорларимиз йил-ўн икки ой тинимсиз қилган меҳнатлари самарали якунланганлигининг нашидасини сурмоқдалар. Давлатга «оқ олтин» топшириш режасининг муваффақиятли адо этили-шига оққўрғонлик деҳқонлар ҳам салмоқли улуш қўшдилар.

Биз, пахта тазолашчилар улардан ниҳоятда миннат-доримиз, чунки, жамоамиз пахтадан мўл ва сифатли ҳосил етиштириш, уни қайта ишлаш билан юксак та-лабларга жавоб берадиган тола ишлаб чиқаришдан ман-фаатдоримиз. Шундай бўл-гач, максимизиз ҳам, ниятимиз ҳам битта — жаҳон бозорида рақобатбардор бўла ола-диган хом ашёни тайёрлашдан иборат. Шу йўлда биргалик-да қилаётган меҳнатимиз қанчалик салмоқли бўлса, бундан икки томон ҳам фа-кат ютади.

Вилоятимиз пахтакорлари 2001 йилда пахтадан мўл ва

эртакли ҳосил етиштириш учун барча агротехника ишларини барвақт ва тобида олиб бор-дилар. Шу тўғрисида пахта йиғим-теримига олдинги йил-

лардагига нисбатан барвақт киришилди. Биз ҳам шундай бўлишини ҳисобга олиб, янги ҳосилни қабул қилишга ҳар қачонгидан ҳам қорхонамиз, унга қарашли тайёрлаш пун-ктлари пухта ҳозирлаб қўйил-ди, ишчи-хизматчилар курс-ларда қайта ўқитилиб, мала-каларини оширдилар. Улар унумли ва кўнгилдагидек иш-лашлари учун қўлай шароит-лар яратилди. Пахтани қабул қилиш, қайта ишлаш жараё-

ни бир маромда бориши учун ҳамма имкониятлар ишга со-линди.

Биринчи кунларданок хом ашёни куну тун қабул қилдик, транспорт воситаларининг бизнинг айбимиз билан ор-тиқча туриб қолишига асло йўл қўймасликка ҳаракат қил-дик. Айрим кўнларни минг тон-нагача пахта қабул қилишга эришилди.

Умуман, жорий йилда 19 минг 500 тонна хом ашё қабул қилишни режалаштир-ган эдик. Уни қисқа муддат-да урдалашга муваффақ бўлдик. Охунбобоев, Сегиз-бобоев номли, «Оққўрғон»

Янги йўлдаги «Ўзбекистон беш йиллиги» пахта тазолаш қорхонасида «оқ олтин»ни қабул қилиш ишлари қизгин да-вом этмоқда. Завод ишчилари кунни тунга улаб, келти-рилган қимматли хом ашёни пешма-пеш бунтларга жой-ламақдалар. Қорхона лабораторияси ходимларидан Зухра Зокирова ва Бахтиёр Мирзатовалар тола сифатини тек-ширмоқдалар; линтер цехи оператори Саодат Абдураҳмо-нова иш устида.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

## БАРАКА МАШИНАЛАРИ



Бу йилги терим мавсуми ҳар йилдагидан бош-қача бўлди. Даладаларда қимирлаган жон борки, ҳар тола пахтани нобуд қилмасликка интилди. Туманимиз пахтакорларининг 60 фоизига «Тош-кент-6» навли, 38 фоизига эса, «С-6524» навли, қолган 2 фоизига «Меҳр» навли чигит экилди.

аъло даражада бажарди-лар.

Ёз бўйи қилинган меҳ-натнинг самараси сифати-да даладаларда пахта чаман-дек очилганда, ҳаммамиз учун масъулиятли палла бошланди. Ёш-қари асо-сий бойлигимиз саналган бу хом ашёни теришга от-ланди. Биз ҳам четда қараб турмадик. Х. Беков, Б. Ус-монов, Ш. Худойкулов, М. Қўрбонтоев, А. Жумаев син-гари меҳанизаторларимиз ҳар қандай муаммони бар-тараб этиб, ўзларининг «Кейс»-лари пўлат этақлари-дан 170-200 тоннагача «оқ олтин» тўқдилар.

Даладаларимизда Охан-гарондан ёрдамга келган бир ярим минг, Олмалиқдан ташриф буюрган 8 минг 500 ҳашарчининг фидойи-лигини алоҳида таъкидлаш керак. 3 мингдан зиёд пскентликларнинг ҳар бири

кунига 80-90 килограммдан пахта терди. Лекин, битта «Кейс» мингта ҳашарчининг юмушини бажара олишини биласизми? Шунинг учун ҳам биз терим мавсуми бошланмасиданок; уларни тахт қилиб қўйдик. Бу йил пахтакорларимизда 21та «Кейс» жавлон урди. Улар-нинг бункерларидан 4 минг 200 тонна пахта тўқилди. Агар эътибор берган бўлсангиз, Пскент тумани дастлаб, терим суръатида

● Вилоят пахтакорларида бу йил 186та «Кейс» юксак унум билан ишлатилди. Шунингдек, мавжуд маҳаллий терим машиналаридан ҳам самарали фойдаланилди.

● Тайёрланган жами пахтанинг 31 минг тоннадан кўпроғи машиналар бункеридан тўқилди.

анча орқада борди. «Кейс»лар ишга тушгач эса, олға силжиди. Вилоятда учинчи бўлиб йил-лик шартнома режасини урдалади.

Техника пахтакорларга мададкор деб айтмамиз. Биз деҳқонларимизнинг оғирини енгил қилгани-миздан, вилоятимизнинг улкан пахта хирмонининг қад рослашида ҳиссамиз борлигидан беҳад хурсандимиз.

Набижон УСМОМОВ, Пскент тумани машина-трактор парки директори.

Пскент туманидаги А. Дўстбеков номли ширкат ҳўжалиги давлатга 4 минг тоннадан зиёд хом ашё топширди. Бунда «Кейс» машинаси опера-тори Бахтиёр Худойбер-диевнинг ҳам муносиб улushi бор.

Александр МАЛЬЦЕВ олган сурат.

## Янги анъаналар

**Равшан ЁКУБЖОНОВ.**

|   |   |   |   |   |
|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
|---|---|---|---|---|